


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



MENDELEEV DMITRIY IVANOVICH  
(1834-1907)

2022  
FEVRAL  
№37



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.



+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00



[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)



[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
9-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-9**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 37-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 21 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шоҳруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТІСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Жўраев Ботирхўжа</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА АМАЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР .....	7
<b>2. Бунёд Усмонов</b> АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА КАПИТАЛ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ .....	10
<b>3. Кобилов Алишер Уринович, Бозоров Жавлонбек Раимбердиевич</b> ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ.....	12
<b>4. Ж. Рустамов</b> “АЁЛЛАР Дафтари”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТИББИЙ МУОЛАЖА ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАБ БЕРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ .....	14
<b>5. Жумабаев Акмал Мурадович</b> ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДАСТУРИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	18



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА АМАЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР.

Жўраев Ботирхўжа

НамДУ мустақил тадқиқотчиси

Тел:+99893 912 14 95

uzleasing@mail.ru

**Аннотация.** Молия тармоғи ўсиш соҳаси юқори ҳисобланган корпоратив секторига молиявий ресурсларни йўналтиришда муҳим роль ўйнайди. Молия соҳасининг яхши ташкиллаштирилган воситачилиги молиявий ресурсларнинг тўғри тақсимланиши ила иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришда аҳамиятли вазифани бажаради. XX асрнинг якунига келиб ислом молиясининг ривожланиши молиявий дунёда янги мунозараларни пайдо қилди. Бир нечта тадқиқотлар ислом банкларининг самарали ва барқарор эканлиги, активлари сифати юқорилиги, харажатлар ва кредит хатарини камайтириш нуқтанизаридан самаралироқ эканлигини кўрсатди. Биз мазкур мақолада мамлакатимизда ислом молиясини ташкил этиш бўйича айрим мулоҳазаларни келтириб ўтамиز.

**Калит сўзлар:** молия, кредит хатари, иқтисодий ўсиш, ислом молияси , ислом банкчилиги.

Хозирги кунда бизга яқин қўшни айрим мамлакатларда ҳам ислом молияси ривожлана бошлади. Қирғизистон, Қозогистон ва Тоҷикистон мазкур молиявий тармоқнинг истиқболини ҳис этиб, қонунчиликни ислом молияси талабларига мослаштиридилар. Бунинг натижасида Остонада БААнинг “Ал-Ҳилол” банки бўлинмаси, Бишкеқда “ЭкоИсламик Банк” ҳамда Душанбеда “Тавҳидбанк” тўлақонли ислом банклари ташкил этилди. Мусулмон давлатларида аҳоли диний қатламининг талаби ушбу соҳа ривожланиши учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлди, мусулмон аҳоли сони озчиликни ташкил этувчи давлатларда унинг ривожланиши Яқин Шарқ мамлакатларидан инвестицияларни жалб қилишга қизиқиши туфайли бўлди деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда ислом молияси ривожланиши юқорида эсга олинган мамлакатларга нисбатан бошлангич даражада экани барчамизга маълум. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда ислом молияси тармоғини ривожлантириш ва тартибга солиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Аксарият қисми мусулмонлар ҳисобланган аҳоли ўзининг диний қараашлари сабабли анъанавий молиявий хизматлардан воз кечиши, аҳолининг ушбу қисмига муқобил молиявий хизматлар тақдим этишни тақозо қиласди. Кўп сонли мусулмон аҳоли соҳа ривожланиши учун зарур талабни шакллантиради. Бундан ташқари мамлакатда олиб борилаётган янги иқтисодий сиёsat иқтисодиёт ривожи учун янги манбаларини қидиришни тақозо қилмоқда.. Диний талабларга жавоб берадиган бизнес фаолиятини юритиш учун шарт-шароитларни яратиш орқали, Яқин Шарқ ва бошқа мусулмон мамлакатларидан инвесторларни жалб қилиш мавжуд иқтисодий вазиятни яхшилашнинг бир шакли бўла олади.

Мамлакатимизда ислом молиясининг ташкил этиш имкониятлари ҳақида бир қатор илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, С.Аброров, Ж.Имомназаров, Ҳ.Хасановларнинг илмий мақолалари шулар жумласидандир. Муаллифлар мамлакатда ислом молияси ривожланишини рағбатлантиришдан аввал ушбу қадамнинг барча оқибатлари ҳақида ўйлаш лозимлиги тўғрисида хуноса қилганлар.

Ўзбекистонда ислом молияси муассасаларини ривожлантиришнинг долзарблиги молиявий- иқтисодий, ташқи иқтисодий, ижтимоий-маданий ва аҳлоқий омилларга



боғлиқ ҳисобланади. Ислом молиясига бўлган қизиқишнинг ортганлиги сўнгги вақтларда ушбу мавзуга доир ўтказилаётган турли давра сухбатлари, семинарлар, мунозаралардан билиб олиш мумкин. 2019 йилнинг 11 сентябрь куни “Тараққиёт стратегияси” марказида “Ўзбекистон Республикасида ислом молиясини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида давра сухбати ташкил этилди. Ушбу давра сухбатига Ўзбекистон Республикаси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев ташриф буюрди. Шунингдек, сермазмун ва баҳс-мунозарага бой бўлган давра сухбатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таракқиёт Дастури (БМТТД), Ислом тараққиёт банки, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклар, таълим муассасалари ва тадбиркорлар вакиллари, ҳамда Туркия ва Малайзиядан ташриф буюрган ислом молияси бўйича мутахассислар иштирок этдилар<sup>1</sup>.

Ислом молиясини ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровларда ҳам аҳоли ҳамда молия муассасаларининг ислом молиясини жорий этишга бўлган ёндашуви ўз аксини топган. Ўзбекистонда ислом молияси бўйича бизнес вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтказилган сўровнома натижалари ҳам эълон қилинди<sup>2</sup>. Тўғридан-тўғри ва онлайн шаклда ўтказилган сўровда 2235 нафар бизнес вакиллари, қарийб 5000 нафар жисмоний шахслар иштирок этган. Натижаларга кўра, бизнес субъектларининг 38 фоизи, жисмоний шахсларнинг эса 56 фоизи диний қарашлари сабаб анъанавий банк кредит хизматидан фойдаланмайди. Мос равишида иштирокчиларнинг 61 ва 75 фоизи Ўзбекистонда ислом молия муассасалари иш бошласа ёки ислом молия хизматлари таклиф этилса, танлашга тайёр эканлигини билдирган.

Сўровда банклар ҳам иштирок этган ва улардан Ўзбекистонда ислом молия тизимини жорий этишдаги энг катта тўсиқ ва муаммолар ҳақида сўралган. Маълум бўлишича, ислом молия маҳсулот ва хизматлари, жумладан, ислом суғуртаси бўлган «такофул»ни тартибга солувчи қонунлар йўқ. Амалдаги банк фаолияти ва солиқ бўйича қонунчилик ислом ҳуқуқи тамоиллари асосида ишлайдиган банклар учун мослаштирилмаган. Шунингдек, ахолининг ислом молияси ҳақида билим ва тушунчалари ҳам етарли эмас.

Ислом молияси муассасаларининг фаолияти қоидалари ва ўзига хос хусусиятларини мамлакатимиз аҳолисига тушунтириш, малакали ходимларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистонда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент Молия институтида “Ислом банки иши” мавзуси 1-курс талабалар учун ўқув машғулоти сифатида олиб орилмоқда. Булардан ташқари “Ислом молияси” сайти таъсисчилари томонидан ҳам 2019, 2020 ва 2021-йилларда бир неча марта Инновация вазирлиги биносида, “Ўзбеклизинг Интернешенл АО” лизинг компанияси ходимлари учун компания офисида бир қатор семинар-тренинглар ташкил этилди.”Ал-Худа”(БАА) ислом молияси ва банкчилиги маркази томонидан Тошкент шаҳрида , 2019 йилнинг май ойида “МДҲ мамлакатларида ислом банкчилиги ва молияси 1-форуми”, 2021 йил октябрь ойида “МДҲ мамлакатларида ислом банкчилиги ва молияси 2-форуми” ўтказилди. Ўтказилган ушбу форумларда 20 дан ортиқ чет мамлакатлардан келган мутахассислар ҳамда мамлакатимизда вазирлик, қўмита ва идоралар вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур ўтказилган форумларнинг асосий мақсади ислом молияси ва ижара, такофул ва сукуқнинг МДҲ мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон учун барқарор молиявий ечим сифатида эътироф этиш ва олдинга суриш ҳисобланади.

Ўзбекистон учун асосий ва биринчи афзаллик, албатта ислом молиясини ривожлантиришдан ҳукumatнинг манфаатдорлигидир. Бу ўта муҳим омил саналади, чунки, исломий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти қонунчилик ва ижро ҳокимиятига бевосита дахлдор бўлган алоҳида ҳуқуқий асос яратишни талаб қиласиди. Иккинчи омил эса – ислом молияси маҳсулотларига талаб ҳамда ахолининг ортиб бораётган қизиқишидир. Ушбу омиллар мамлакатимизда ислом банкинги, такофул ва бошқа ислом молияси маҳсулотлари соҳаси ривожланиши учун қулай муҳитни яратади. Шу билан биргалиқда, Ўзбекистон ислом молиявий капиталини жалб қилиш ҳамда мазкур йўналишда ўз қонунчилигини та-комиллаштириш борасида ҳам имкониятларга эгадир.

2021 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ИТБ Бошқарувчилар кенгашининг

1 <https://islommoliyasi.uz/uz/strategy/>

2 <https://islom.uz/maqola/16747>



навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш яқунига кўра, мамлакатда ислом молиясини жорий этиш учун дастлабки қадамлар қўйилди. Мамлакатда ислом молиясини жорий этиш бўйича ҳалқаро эксперталарни жалб қилиш мақсадида Ислом Таракқиёт банк грант маблағларини ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси хукумати ва ИТБ ўртасида келишув имзоланди.

Шу билан биргаликда шуни эътироф этиш лозимки, таълим ҳамда ўқитиш борасида қилинадиган ишлар ҳали бошлангич нуқтада турибди. Ислом молияси ва иқтисодиёти, ислом банкчилиги бўйича ўзбек тилида адабиётлар етарли эмас, аҳоли бохабарлигини ошириш борасидаги фаолиятни ҳам қониқарли дея олмаймиз, фақатгина азон.уз, ислом молияси.уз каби саноқли сайтлардагина ислом молияси муассасалари ва ислом молияси маҳсулотлари ҳақида маълумотларнинг ўзи мамлакат аҳолисининг эҳтиёжини қондира олмайди. ОАВлари, хусусан телевидение ва радиода ислом молияси ҳақида кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил этилмаяпти. Фақат интернет нашрларида берилаётган маълумотлар кўлами аҳоли бохабарлигини оширишда етарлича самара бера олмайди.

Ислом молиясининг ривожланиши билан мамлакат молия тизими ривожлана бошлайди. Бу нафақат янги иштирокчиларнинг молия бозорига кириши учун йўл очади, шунингдек, молиявий хизматлар шакллари кенгайиши ҳисобига анъанавий молия муассасалари бир қисмининг ҳам ислом молиясига ўтишига олиб келади. Натижада молия бозорида рақобат юзага келади ва бу иқтисодиётда маблағларнинг самарали тақсимланишига сабаб бўлади.

Молия секторининг ривожланганлик даражаси иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиши ўтган асрдаги тадқиқотларда<sup>1</sup> таъкидланган. Ушбу тадқиқотларга кўра, ривожланган молия бозори бир қанча муҳим вазифаларни бажаради:

- 1) Жамғариш жараёнига майда жамғармаларни қўшишга имкон яратиб, жамғарма меъёрига бевосита таъсир кўрсатади;
- 2) Капитални янада самарали тақсимланишига кўмак беради(капитални маҳсулдор лойиҳаларга йўналтиради);
- 3) Инвесторларга лойиҳалар танлови ўртасида юзага келадиган ноқулай танлов муаммоларини ечишга кўмаклашади;
- 4) Бир нечта лойиҳаларга инвестиция қилиш ҳисобига инвесторларнинг хатарини диверсификация қилиш имконини беради.

Бундан ташқари тадқиқотлар ва конструкторлик ишланмаларнинг жадаллашуви, тадбиркорликнинг инновацион фаоллик кўлами молия тизимининг ривожланганига боғлиқ, бу жами номоддий(факторли) ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади<sup>2</sup>. Буларнинг барчаси иқтисодий ўсиш суръатларида ўз аксини топади.

1 King R. G., Levine R. (1993a). Finance and growth: Schumpeter might be right. Quarterly Journal of Economics, Vol. 108, No. 3, pp. 717—738.

2 King R. G., Levine R. (1993b). Finance, entrepreneurship, and growth: Theory and evidence. Journal of Monetary Economics, Vol. 32, No. 3, pp. 513—542



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА КАПИТАЛ  
САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бунёд Усмонов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тел: +998903701133

Usmanov.b.a@yandex.ru

**АННОТАЦИЯ.** Ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатларида акциядорлик жамиятлари капитали бошқаруви билан боғлиқ бўлган жараёнлар аста секинлик билан ўрганилмоқда. Мазкур мақола акциядорлик жамиятлари ривожланиши жараёнида капитал самарадорлигини аҳамиятини ёритиб беради.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** акциядорлик жамияти, ривожланиш, капитал, самарадорлик, баҳолаш, оптималлаштириш.

Бугунги кунда пандемия натижасида жаҳондаги йирик компанияларнинг инвестиция жозибадорлиги пасайиши шунингдек, инвестицияларнинг нафақат бир мамлакат бўйича балки глобал тарзда ҳарақатида сезиларли даражада ўзгаришлар кузатилаётган бўлиб, бу эса ўз навбатида акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлига, хусусан, жамиятнинг молиявий барқарорлиги ва инвестиция оқимларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори [1] ҳамда 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони [2] акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлигини ошириш ва бунинг натижасида капитал бозорини ривожлантириш буйича чора-тадбирларни кучайтиришга қаратилган бўлиб, бу эса мавзу дозаблигидан далолат беради.

Акциядорлик жамиятлари учун муҳим ўрин эгаллаган инвестицион лойихаларни самарави ташкил этиш, хусусан, акциядорлик жамиятлари инвестицион салоҳиятни ошириш билан бирга инвестицион жозибадорликни оширишда акциядорлик жамиятлари капиталини бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда уни тўғри баҳоланиши муҳим аҳамият касб этади.

Акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлиги муҳим аҳамият касб этиб, маҳлумот ўрнида, 2022 йилнинг 5 январ ҳолатига АҚШнинг бир қанча йирик саноат компаниялари капитал бошқарув жараёнини самарави олиб бориши натижасида оёқ кийим саноати компанияларида капитал киймати 6.31%ни, қурилиш материаллари компанияларида 5.87%ни, сугурта компанияларида 4.77%ни, нефт ва газ компанияларида 6.58%ни ва кимё саноати компанияларида капитал киймати 5.26%ни ташкил этди. [3]

Хорижлик иқтисодчи олимлар Оволаби, Читуру Нкечинере ўзларининг тадқиқотларида, бир қанча компонентни ўз ичига олган айланма маблағлар, алоҳида ҳар бир компонентга солтириш нисбатида компаниянинг турли даражадаги самарадорлик даражасига таъсир қилганини кўрсатди, лекин бу компонентларни бир вақтда бирлаштирганда таъсирларни аҳамиятилиги даражаси нисбатан камроқ эканлиги аниқланди [4]. Лекин шунга қарамасдан, иқтисодчи олимлар капитал самарадорлигини даражасини ошириш учун бир қанча тавсиялар бериб ўтишган бўлиб, жумладан, айланма маблағларни самарави бошқариш компанияларнинг ўз фаолиятини етарлича режалаштириш ва назорат қилиш имкониятини берибгина қолмай балки, қарорлар қабул қилишда молия тамойилларини хисобга олиш ва молиявий таҳлил натижаларидан фойдаланишини назарда тутишган. Бу эса ўз ўрнида капитал самарадорлигини ўширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, иқтисодчи олимлар Андрей Н. Жаров, Надезда А. Сташевская, Лейла А. Петрова (2018 йил) томонидан ўтказилган яна бир тадқиқот шуни кўрсатди, инвесторлар ва бизнес эгалари учун молиявий кўрсаткич уларнинг капитали ва ҳисобваракларининг рентабеллиги кейинги ривожланиш учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Ва буни қўллаб-куvvатлаш учун ДуPont моделидан фойдаланган тадқиқотчи ўз капиталининг



даромадлилигига маълум омиллар таъсир қилишига эришди. [5]

Акциядорлик жамиятлари капиталини самарали ташкил этиш ҳар томонлама хусусий капитал ва қарз капитали билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, уларнинг мувозанатда бўлиши капитал қийматининг оптимал даражасини аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бир қаторда, акциядорлик жамиятлари капитали ва унининг таркибини оптималлаштириш жамият учун ҳам иқтисодий ҳам молиявий жихатдан муҳим аҳамият касб этиб, унинг натижасида ўз капитали ва қарз капиталидан самарали фойдаланиш имконияти ошиши билан бирга, молиявий барқарорлик даражаси ҳам юқори бўлади. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамияти иқтисодий жихатдан соғломлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, акциядорлик жамиятлари капиталини бошқарув самарадорлигини ошириш орқали мамлакат капитал бозорини ҳамда акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларини ҳам тартиба солиш ҳам ривожлантириш мумакин. Шунингдек, бундай ғоя асосида акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини ҳам оширишга эришади, бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий ва молиявий жихатдан барқарор эканлигидан далолат беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизmlарини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони
3. [https://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/New\\_Home\\_Page/datafile/wacc.html](https://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/New_Home_Page/datafile/wacc.html) Companies in Nigeria. Economics and Finance Review Vol. 2(6) pp.
4. Owolabi, Sunday Ajao., ALU, Chituru Nkechinyere. Effective working capital management and profitability: A Study of Selected Quoted Manufacturing 55 – 67, August, 2012.
5. Andrey Nikolaevich Zharov, Nadezda A. Stashevskaya, Leila A. Petrova (2018). Theoretical Approaches Of Assessment Of Financial Sustainability Of An Enterprise. *International Journal of Pure and Applied Mathematics. Volume 119 No. 17 2018*, pp. 1393-1397. <http://www.acadpubl.eu/hub/>
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



## ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Кобилов Алишер Уринович

Ташкентский государственный

экономический университет

Бозоров Жавлонбек Раимбердиевич

Бухарский государственный университет

**Аннотация.** Одной из характеристик цифровой экономики следует считать экономические отношения, которые складываются в процессе производства, распределения, потребления и обмена информацией на основе использования информационных технологий, являющихся на сегодняшний день главной движущей силой развития мирового рынка. В статье исследуются этапы становления и применения информационных технологий и их основные свойства, оказывающие влияние на развитие мировой экономики.

**Ключевые слова:** информационные технологии, свойства, этапы, цифровая экономика, Интернет, мировой рынок.

В современном мире, с развитием информационных технологий и вычислительной техники, уже невозможно себе представить деятельность успешно развивающейся компании без применения информационных технологий и автоматизированных систем, которые на сегодняшний день, являются главной движущей силой в дополнение к существующим факторам развития мирового рынка. Сами по себе, информационные технологии могут, как превратить в реальность концепцию автоматизированного предприятия, так и оказать сдерживающее воздействие, за счет отсутствия взаимодействия и целостности всей системы [1]. Все это связано в первую очередь с глобальным скачком в развитии информационных технологий и систем, в результате чего стандартизация продуктов не успевает за техническими стандартами. Поэтому для компании необходимо отслеживать современные тенденции рынка информационных технологий и систем, для последующего их внедрения, эффективного протекания бизнес - процессов, а также адекватно реагировать на изменение внешней бизнес-среды.

Международная экономика развивается с каждым днем, становясь все более цифровой, то есть связанной с развитием цифровых технологий, таких как: электронные платежи, онлайн-магазины, краудфандинг и многих других. В этой экономике Интернет и другие сети, в том числе, социальные, способствуют глобализации бизнеса, а также явного и неявного управления поведением фирм, организаций и людей [2]. Экономические отношения, которые складываются в процессе производства, распределения, потребления и обмена информацией с помощью использования цифровых технологий, являются одним из атрибутов цифровой экономики. Другой важной ее частью являются экономические законы, без которых невозможно развитие экономических отношений.

Вместе с тем, несмотря на то, что термин «цифровая экономика» сегодняочно закрепился в нашей жизни и широко используется в научной литературе, в программах и разного рода документах, разрабатываемых как государством, так и бизнесом, общепринятого определения «цифровой экономики» пока не существует [3]. Дискуссия по этому поводу продолжается. Но сама цифровая экономика как объект управления, и тем более как объект стратегического управления, даже в своих основных чертах, не описана и не определена в достаточной мере. Несомненно, что эти вопросы требуют дальнейшей конкретизации.

В экономике, особенно в сфере услуг, информационные технологии выдвигаются на первый план, поскольку без них невозможно повышать качество и эффективно управлять бизнес-процессами [5]. Однако ИТ имеют различное влияние на экономику в зависимости от цели их применения. Информационные технологии, направленные на покрытие текущих потребностей, обычно, экономически не оправдывают себя. Те страны, которые четко определяют политику внедрения информационных технологий, могут просчитать результаты этого процесса с учетом материальных, финансовых и трудовых затрат. Процесс планирования ИТ политики должен быть сбалансирован с показателями экономического развития страны.

Исходя из мировых тенденций и последних веяний внешней политики перед Узбеки-



станом стоит задача повышения конкурентоспособности в глобальном смысле, а также укрепления национальной безопасности. Немаловажную роль в разрешении данной задачи играет развитие цифровой экономики в стране. На сегодняшний день некоторые элементы цифровой экономики уже довольно неплохо функционируют, например, электронное правительство. Общение с государством постепенно переходит на электронную платформу, производится массовый перенос документов и коммуникаций на цифровые носители, разрешается использование электронной подписи.

Однако не все элементы так успешно движутся по направлению к цифровизации. Чтобы понять, какие элементы являются отстающими, а какие передовыми, необходимо иметь представление о том, как же измерить уровень развития цифровой экосистемы в конкретных составляющих и в стране в целом [6].

Эффективное использование информационных ресурсов является индикатором адаптационной способности и позволяет разрабатывать и реализовывать гибкую стратегию развития той или иной страны. Мировой опыт развития сферы компьютерных технологий и информационных ресурсов за последние годы свидетельствует о существенном повышении темпов их развития по сравнению с темпами развития производственной сферы. Высокие темпы внедрения информационных технологий способствуют экономическому росту.

### **Библиографический список**

1. Сергеева Н.С., Блатова Т.А., Макаров В.В. Внедрение информационнокоммуникационных технологий в организации: от оптимизации структуры до повышения конкурентоспособности // Радиопромышленность. 2017. № 2. С. 101-106.
2. Василенко Н.В. Цифровая экономика: концепции и реальность // Инновационные кластеры в цифровой экономике: теория и практика: тр. науч. практ. конф. с междунар. участием 17-22 мая 2017 г. / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.В. Бабкина. – СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. С. 147-151.
3. Экосистема Цифровой Экономики// Режим доступа: <http://xn--80aaexclboigdbt9c2a2j7axn--p1ai/> (дата обращения 06.07.2021).
4. Мальцева У.В., Макаров В.В. Информационные технологии в практике управления качеством // Инновации. 2011. №12 (158). С. 116-119.



## “АЁЛЛАР Дафтари”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТИББИЙ МУОЛАЖА ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАБ БЕРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ж. Рустамов

Ўзбекистон Республикаси

Маҳалла ва оилани қўллаб-

куватлаш вазирлиги хузуридаги

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти

“Оила демографик ривожлантириш”

бўйими кичик илмий ходими

**Аннотация.** Муаллиф томонидан ушбу мақолада хотин-қизларнинг тиббий муолажа харажатларини қоплаб бериш бўйича мавжуд тизими ва хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий таҳлили ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар, тиббий муолажа, харажатлар, қоплаб бериш, суғурта тизими, хорижий давлатлар тажрибаси

**Аннотация.** В данной статье автор описывает сравнительный анализ существующей системы возмещения медицинских расходов женщинам и опыта зарубежных стран.

**Ключевые слова:** женщины, лечение, затраты, возмещение, система страхования, зарубежный опыт.

**Annotation.** The author describes the creation of additional conditions for women's education, the current system of the role of women in science and a comparative analysis of the experience of foreign countries.

**Keywords:** women, education, science, knowledge and skills, society, foreign experience.

“Аёллар дафтари”га киритилган ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозим бўлган хотин-қизларнинг тиббий муолажа харажатларини қоплаб бериш учун илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида тадқиқот ўтказилди ва хориж тажрибаси таҳлил қилинди.

I. “Аёллар дафтари”га киритилган ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозим бўлган хотин-қизларнинг тиббий муолажа харажатларини қоплаб бериш учун илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш юзасидан тадқиқот натижалари қўйидагиларни кўрсатмоқда:

**1. Франция тажрибаси.** Франциянинг универсал соглиқни сақлаш тизими (PUMA) барча шахслар учун соглиқни сақлаш харажатларини қоплашни кафолатлади: ишловчиларнинг, ёки, камида З ой давомида барқарор ва доимий асосда Францияда (жумладан, Гваделупа, Франция Гвианаси, Мартиника, Реюнион ороли, Сент-Бартелеми ва Сент-Мартин) истиқомат қилганларнинг.

Баъзи қатламлар олинган даромад ва активларни текшириш асосида муқобил тиббий хизмат учун 6,5% бадал (“cotisation subsidiaire maladie”-CSM) тўлашлари шарт.

Даромади бўлмаган ёки Франциядаги даромади йиллик ижтимоий суғурта лимитининг 20 фоизидан кам бўлганлар (2021 йилда 8 227 еврода кам) ва инвестициялар ёки мулкдан олинадиган даромад (кўчмас мулк ва бошқа мулкдан олинган даромадлар, инвестициялар бўйича даромадлар ва бошқалар) йиллик ижтимоий суғурта лимитининг 50% дан кўпроғини (2021 йилда 20 568 евро) ташкил қиласа, ушбу бадални ҳисоблаш учун асос француз ижтимоий суғуртаси йиллик чегарасининг 8 баробари билан чекланади.

Франция соғлиқни суғурталаш тизими суғурталанган шахслар ва уларнинг қарамоғидаги вояга етмаганлар учун тиббий харажатларни (соғлигини тиклаш учун кетган харажатларни қоплаш), шунингдек, суғурталанган шахслар учун пул нафақаларини (вақтинчалик ногиронлик туфайли кунлик касаллик нафақалари) қоплайди.

Суғурталангандан шахслар ҳам ўзлари учун, ҳам ижтимоий таъминот дастури билан қамраб олинмаган бенефициарлари (қарамоғидаги вояга етмаганлар) бундай тиббий имтиёзларга эга.

**Субсидияланган қўшимча тиббий суғурта («Complémentaire santé solidaire» / CSS) ёки давлат соглиқни сақлаш хизмати (Давлат тиббий ёрдам / МЕА) ва бошқалар.**

Оддий қамров талабларига жавоб берадиган беморлар Франция соғлиқни сақлаш суғуртаси тизими томонидан маълум шароитларда (масалан, йўқолган жароҳатлар туфайли ёки ишда баҳтсиз ҳодиса ёки касаллик туфайли даволаниш ва кўрикдан ўтиш,



алоқалар учун транспорт харажатлари) 100% миқдорида қопланиши мумкин. Ҳомиладор аёллар б օйлик ёки ундан кўп, субсидияланган қўшимча тиббий суғурта дастурига эга бўлгандар («*Complémentaire santé Solidaire*» (CSS)) ёки давлат тиббий ёрдами («AME»), фавқулодда вазиятлар учун ва ҳоказо.).

**Қўшимча тиббий суғурта.** 2019-йил 1-ноябрдан бошлаб СМУ-С (қўшимча универсал тиббий суғурта) ва ACS гранти («*Aide au paiement d'une complémentaire santé*» ўзаро ёки хусусий суғурта режаси қиймати) субсидияланган қўшимча тиббий суғурта билан алмаштирилди. Дастур («*Complémentaire santé Solidaire*» / CSS).

У қуйидаги суғурталangan шахсларни ўз ичига олади:

Францияда иш ёки қонуний яшаш асосида тиббий суғурта олиш хуқуқига эга бўлгандар ва даромади уларнинг уй хўжалиги таркиби томонидан белгиланган миқдордан паст бўлгандা. Ариза беришдан олдинги 12 ойлик даромад ҳисобга олинади<sup>1</sup>.

**2. Буюк Британия тажрибаси.** Буюк Британиядаги аксарият тиббий хизматлар мамлакат резидентлари ва Европа иқтисодий худудининг норезидентлари учун бепул.

Британиянинг тиббий харажатлари асосан британия **Миллий соғлиқни сақлаш хизмати - МССХ (National Healthcare System)** томонидан қопланади. Умуман олганда, Буюк Британия бюджетида тиббий харажатлар 18,9% ни ташкил қиласди. Хусусий тиббий суғуртага эга бўлмаган ва мамлакат резиденти бўлмаганлар учун даволаниш МССХ томонидан белгиланган тарифларнинг 150 фоизини ташкил қиласди. Ҳужжатсиз мигрантлар ёки Еврозонадан ташқаридағи мамлакатга ташриф буюрувчилар учун факат шошилинч тиббий ёрдам ва айрим юқумли касалликларни даволаш бепул бўлиши мумкин.

МССХ қамраб оладиган тиббий хизматларнинг аниқ рўйхати қонун билан белгиланмаган ва у ўзгариши мумкин. Ушбу рўйхатни шакллантириш иқтисодий самарадорликни даврий таҳлил қилиш (**cost-effectiveness analysis**) асосида амалга оширилади. Амалда, МССХ скрининг, иммунизация ва эмлаш хизматларини тақдим этади ёки тўлайди; стационар ва амбулатор тиббий ёрдам; терапевт хизматлари; клиник зарур стоматологик ёрдам; кўриш органларини даволаш; психиатрик ёрдам; ногиронларга ғамхўрлик қилиш; паллиатив ёрдам; реабилитация, шу жумладан физиотерапия (масалан, инсултдан кейин тикланиш ва даволаш).

МССХ беморнинг стоматология, офтальмология, саёҳатга учун эмлашлар ва рецепт бўйича дори-дармонлар учун харажатларини тўлиқ қопламайди. Беморлар ушбу хизматлар учун кўшимча тўлов тизимиға мувофиқ қўшимча ҳақ тўлайдилар. Бироқ, ҳатто ихтисослаштирилган тиббий хизматлар учун ҳам қўшимча пул тўламайдиганлар бор. Булар, масалан, 16 ёшгача бўлган болалар (агар кундузги таълим тизимида ўқисалар, 18 ёшгача), **кам таъминланган оиласлар**, ҳомиладор аёллар, айрим сурункали касалликларга чалингандар, 60 ёшдан ошган одамлар.

Буюк Британияда тиббий хизматлар учун ўз ҳисобидан тўланадиган тўловларнинг улуши кичик ва барча тиббий харажатларнинг 15% ни ташкил қиласди. Бу, асосан, ишга жойлашиш вақтида тиббий кўрикдан ўтиш, тиббий суғурта ёки саёҳат суғуртаси учун тўловдир.

**3. АҚШ тажрибаси.** Гарчи Ақшда соғлиқни сақлашга давлат харажатлари бошка мамлакатларга нисбатан энг юқори (умумий миллий бюджетнинг 39,5 фоизи) бўлса-да, АҚШ аҳолисининг 67,2 фоизи (2017 йилда) шахсий тиббий суғуртага эга. Аҳолининг қолган қисми учун давлат, одатда, энг **камбағал ёки заиф гурухлар учун асосий даволанишни молиялаштиради.** *АҚШ ҳуқумати тиббий суғурта дастурига қўйидагилар киради:*

**Medicare** - бу 65 ёшдан ошган ёки ногиронлиги бўлган одамлар учун баъзи тиббий ва дори харажатларини қоплайдиган дастур. Хусусан, касалхонада қолиш ва даволаниш, ҳосписларда қолиш ва ҳоказо харажатлар қопланади.

**Medicaid** - бу кам таъминланганлар, ногиронлар ва бошқа аҳоли учун соғлиқни сақлаш дастури. Дастур мажбурий ва баъзи қўшимча тиббий хизматлар рўйхатини тўлашни назарда тутади, масалан, касалхонада бўлиш ва даволаниш, таҳлиллар, рентгенография, стоматология ва бошқалар.

Иккала дастур ҳам тиббий харажатларнинг 100 фоизини қопламайди. Беморлар ҳали ҳам дастурларда қамраб олинмаган хизматлар учун қўшимча тўлашлари керак. Факат болалар, ҳоспислардаги одамлар, кўкрак ва бачадон бўйни сараторни дастурларига киритилган аёллар

1 [https://www.cleiss.fr/docs/regimes/regime\\_france/an\\_1.html](https://www.cleiss.fr/docs/regimes/regime_france/an_1.html)



бундан мустасно.

Болалар, алоҳида тиббий ёрдамга муҳтож ёшлар, ҳарбийлар, фахрийлар, давлат хизматчилари ва бошқалар учун алоҳида, давлат суғуртаси дастурлари мавжуд.

**Тиббий хизматларга ким пул сарфлайди, қанча ва қандай?<sup>1</sup>**  
*Ақси, Франция ва Буюк Британия тажрибаси (2016 й.)*

	АҚШ	Франция	Буюк Британия
Киши бошига ЯИМ (харид қобилияти паритети, ҲҚБ), \$	57904	41942	42977
Бир киши учун соғлиқни сақлаш харажатлари (ҲҚБ), \$	8077,9	3964,3	3351,7
Соғлиқни сақлаш бўйича давлат (бюджет) харажатлари, барча соғлиқни сақлаш харажатларининг улушида %	<b>81,8</b>	<b>82,9</b>	<b>80,2</b>
Хусусий тиббий суғурта харажатлари, киши бошига (ҲҚБ бўйича), \$	697,6	351,4	194,1
Хусусий тиббий суғурта харажатлари, барча соғлиқни сақлаш харажатларининг улушида %	<b>7,1</b>	<b>7,3</b>	<b>4,7</b>
Бир киши учун “чўнтақдан тўланадиган харажатлар” (ҲҚБ), \$	1094,2	466,6	631,6
“чўнтақдан тўланадиган харажатлар”, барча соғлиқни сақлаш харажатларининг улушида %	<b>11,1</b>	<b>9,8</b>	<b>15,1</b>

Яқин вақтгача АҚШ тиббиёт тизимининг муаммоларидан бири тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги, ишсизлик ёки иш ҳақининг пастлиги/иш берувчининг суғурта опсиясининг йўқлиги сабабли шахсий тиббий суғуртасига эга бўлмаганлар учун факат арzon давлат шифохоналарига кириш имкони бўлиб келган. Дори-дармонларни кўпроқ фуқароларга тақдим этиш учун 2014 йилда «Affordable Care Act» (Obamacare номи билан танилган) қабул қилинган бўлиб, у тиббиётни молиялаштиришнинг хусусий секторини тартибга солади (у соғлиқни сақлаш умумий харажатларнинг 18,2 фоизини ташкил қиласди).

**4. Канада тажрибаси<sup>2</sup>.** Канаданинг Онтария провинсиясида кўплаб соғлиқни сақлаш хизматлари хукумат томонидан молиялаштирилади. Бу шуни англатадики, давлат соғлиқни сақлаш хизматларининг нархининг тўлиқ ёки қисман қоплайди. Хизматларга қўйидагилар киради:

- оиласвий шифокор ва мутахассисларга ташриф буюриш;
- жарроҳлик ва касалхонага ётқизишни ўз ичига олган асосий ва шошилинч тиббий ёрдам хизматлари.

Онтария ушбу хизматларни тўлаш учун Ontario Health Insurance Plan суғурта тизимини яратди. Аксарият Онтариаликлар буни қисқача: ОНП деб аташади. Онтариаликлар даромад солиғини тўлаганларида, ушбу пулнинг бир қисми соғлиқни сақлаш учун дастурга йўналтирилади. ОНП аъзоси бўлиш учун дастурда рўйхатдан ўтиш лозим. Шифокорлар ва бошқа тиббий хизмат кўрсатувчи провайдерлар кўрсатилган хизматлар учун ҳисобкитобларни ОНПга жўнатадилар.

Шундани қилиб, ОНП – Онтария провинсиясидаги соғлиқни сақлаш дастури. У провинция аҳолиси ва тадбиркорлик субектлари томонидан тўланадиган солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Бошқа мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият мамлакатлар соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боради. Давлатлар олдида турган энг катта муаммолар аҳолининг қариши ва энг янги қиммат даволаш усувларининг пайдо бўлиши бўлиб, бу тиббиётни молиялаштиришни кўпайтириш зарурлигига олиб келади.

**II. Хотин-қизларнинг таълим олишига қўшимча шарт-шароитларни яратиш, илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрнини янада ошириш бўйича илгор ҳорижий тажрибани ўрганган ҳолда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинади:**

1. Мамлакатимиздаги тиббий суғуртани ривожлантириш йўналишида суғурта компа-

1 <https://voxukraine.org/ru/kto-platit-za-meditsinskie-uslugi-opyt-ssha-britanii-frantsii-gruzii-i-ukrainy/>

2 [https://www.health.gov.on.ca/en/common/system/docs/getting\\_started\\_fs\\_russian.pdf](https://www.health.gov.on.ca/en/common/system/docs/getting_started_fs_russian.pdf)



нияларига имтиёзлар бериш;

2. Тибий суғуртага ихтисослаштирилган давлат суғурта компанияларини ташкил этиш;

3. “Аёллар дафтари”га киритилган ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозим бўлган хотин-қизларнинг тиббий муолажа харажатларини қоплаб бериш доирасида давлат мақсадли жамғармасини ташкил этиш;

4. Франция тажрибасидан келиб чиқиб, соғлиқни суғурталашнинг тизими суғурталанган шахслар ва уларнинг қарамоғидаги вояга етмаганлар учун тиббий харажатларни (соғлиғини тиклаш учун кетган харажатларни қоплаш) қоплаш тизимини йўлга қўйиш.

5. “Аёллар дафтари”га киритилган ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозим бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш, уларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий суғурталаш ҳамда суғурта компаниялари томонидан тиббий муолажа харажатларини қоплаб бериш чораларини кўриш (АҚШ).

6. Вилоятларда соғлиқни сақлаш дастурини яратиш. Дастурни вилоятлар аҳолиси ва тадбиркорлик субектлари томонидан тўланадиган даромад соликлари ҳисобидан молиялаштиришни ташкил қилиш (Канада).



## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДАСТУРИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жумабаев Акмал Мурадович  
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси  
Телефон: +998909446007

**Аннотация.** Ўзбекистондаги ёшлар ташкилотларининг фаолияти асосан икки йўналишда, яъни ташкилотни саклаш ҳамда дастурий фаолиятдан иборат бўлади. Шу жиҳатдан олганда ёшлар ташкилотларини молиялаштиришда айнан шу икки йўналишда молиялаштиришга алоҳида эътибор берилади. Албатта, ёшлар ташкилотларининг дастурий фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш ўз илмий-амалий аҳамиятига эга. Шулардан келиб чиқсан ҳолда мазкур тезисда ушбу жараёнга хос масалалар кўриб чиқлади.

**Таянч сўзлар:** Ёшлар, ёшлар ташкилотлари, ёшлар сиёсати, молия, молиялаштириш, ёшлар ташкилотларини молиялаштириш, Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати, молиявий маблағлар, бюджет, давлат.

Маълумки, ҳар қайси субъектларнинг фаолиятининг асосини молиявий муносабатлар ташкилэтади. Фуқароликжамиятигининг муҳим бўғинисифатида ёшлар ташкилотлари фаолияти фойда олишга қаратилмаган бўлиб, улар жамиятнинг энг фаол аҳоли қатлами (ёшлар)нинг ҳар томонлама камол топиши учун хизмат қиласиди, бунинг учун уларга маълум миқдорда молиявий маблағлар зарур бўлади. Ёшлар иттифоқи ўз уставига кўра, муаян миқдорда молмулкка эга бўлиши, ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк доирасида жавоб берishi каби нормаларнинг мавжудлиги, уларнинг молиявий фаолиятининг бирламчи асоси бўлади, шунингдек, улар ўз фаолиятини ихтиёрийлик, қонунийлик, ошкоралик, аъзоларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўзини ўзи бошқариш тамойиллари асосида амалга оширадики<sup>1</sup>, бу тамойиллар уларнинг молиявий бошқарувининг тамойилларини ҳам аниқлаб беради. Бунга кўра, уларнинг фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари, маблағларни сарфлаш, улар ҳақида ҳисботларни ошкоралик асосда бўлишини тақозо этади.

Ўзбекистонда ёшлар иттифоқи ва унинг таркибидағи ташкилотларнинг молиявий муносабатлари маълум бир тартиб ва иерархия шаклда амалга оширилади. Ёшлар иттифоқининг юқори ташкилий тузилмаларидан бири Марказий кенгаш иттифоқининг умумлашган бюджетини, Марказий аппарат бюджетини тасдиқлади, уларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисботни тинглайди, бу юзасидан тегишли қарорлар қабул қиласи. Турли даражаги тузилмаларидағи тадбиркорлик тузилмалари, ёшлар ташкилотларининг штат бирликларини тасдиқлади, ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби, шакли ва миқдорини белгилаб беради<sup>2</sup>, шу тартибда эса, Марказий кенгаш ёшлар ташкилотларининг пул маблағлари билан боғлиқ муносабатларни шакллантиради, уларни мувофиқлаштиради, маълум маънода молиявий назоратни таъминлайди. Иттифоқининг Марказий кенгаш ижроия қўмитаси эса, Марказий кенгаш ваколатига киритилмаган иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмалари мол-мулкини тасарруф қилиш юзасидан қарорлар қабул қиласи, ҳудудий кенгашлар бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқиб тасдиқлаш учун тавсия қиласи, бу бюджетларнинг ижросини юзасидан ҳисботларни тинглаб молиявий назорат ўрнатади, молиявий маблағларга эга айрим грантларни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куvvatlash тўғрисида” ги ПФ-5106-сонли Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини таомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3138 сонли қарори тасдиқланди. 2017 йил июль ойидан бошлаб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Республика, Ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлари, шунингдек иттифоқ қошида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат бюджетидан молиялаштирилиши белгиланиб, амалга киритилди. Ёшлар иттифоқи давлат функциясини бажаради-

1 Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг устави. <https://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/ustav-1>.

2 Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг устави. <https://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/ustav-1>.



ган нодавлат нотижорат ташкилот сифатида тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисобига молиялаштирилишни бошлаган.

Ёшлар иттифоқи қошидаги 16 та нодавлат нотижорат шаклидаги корхоналарни (ННТ) фаолиятини молиялаштириш ўз мазмунига кўра, ташкилотни сақлаш харажатлари ва уларнинг низомига кўра, амалга ошириши зарур бўлган тадбирларни амалга оширишга ажратилиди. Бу йўналишдаги харажатларнинг динамикасига қарайдиган бўлсақ, 2018 йилда нодавлат нотижорат шаклидаги корхоналарни молиялаштиришга жами қилинган харажатлар 38 042,10 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 35 255 247,30 млн сўм ва 2020 (тўқиз ойи) йилда эса, 21 233 067,60 млн сўмни ташкил этиб, энг катта харажатлар тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган харажатларга тўғри келади. Ёшлар иттифоқи қошидаги нодавлат нотижорат шаклидаги корхоналарнинг тадбирларни амалга ошириш харажатларнинг ўзини қарайдиган бўлсақ, улар таълим муассасалари ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича тадбирлар, маънавий-маърифий масалалар, жиноятчиликни олдини олиш, ёш оиласалар билан ишлаш бўйича тадбирлар, истиқболли кадрлар билан ишлаш бўйича тадбирлар, халқаро алоқалар, туризмни ривожлантириш, ОАВ билан ишлаш, АКТни жорий қилиш бўйича тадбирлар, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликга кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича тадбирлар, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир ижтимоий аҳамиятга эга бошқа харажатлардан иборат бўлиб, буларнинг орасида ҳам энг катта улушни (50 фоиздан кўп) ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир ижтимоий аҳамиятга эга бошқа харажатлар ташкил қиласди. Мазкур йўналишдаги харажатлар жами тадбирлар учун харажатларда 2018-2020 йилларда йилда жами харажатларнинг 50 фоиздан юқори бўлмоқда.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон ёшлар иттифоқи худудий ва маҳаллий кенгшларига дастурий фаолиятни амалга ошириш харажатларини молиялаштириш таҳлили<sup>1</sup> (минг сўмда)

Худудлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	Ажратилган маблағ	Шундан, маҳаллий кенгшларга								
<b>Коракалпогистон Республикаси</b>	130 593,0	92 033,7	3 148 800,0	2 908 800,0	2 823 004,0	5 059 506,6	1 673 585,9	133 886,9	1 576 069,6	200 000,0
<b>Андижон вилояти</b>	154 040,4	113 536,4	3 148 800,0	2 908 800,0	2 848 252,8	4 722 378,3	1 640 679,1	131 254,3	1 592 000,6	400 000,0
<b>Бухоро вилояти</b>	121 208,3	82 787,5	2 608 800,0	2 368 800,0	2 318 471,7	4 227 706,6	1 509 429,8	120 754,4	1 402 713,7	100 000,0
<b>Жizzах вилояти</b>	113 484,1	92 700,4	2 608 800,0	2 368 800,0	2 178 769,9	4 018 154,2	1 528 801,1	122 304,1	1 461 240,9	400 000,0
<b>Қашқадарё вилояти</b>	154 221,1	92 419,1	2 997 600,0	2 757 600,0	2 821 583,7	4 532 375,4	1 581 426,5	126 514,1	1 585 408,1	250 000,0
<b>Навоий вилояти</b>	92 726,1	59 568,8	2 068 800,0	1 828 800,0	2 153 586,5	3 980 380,1	1 374 938,8	109 995,1	1 459 410,5	600 000,0
<b>Наманган вилояти</b>	134 170,1	94 053,1	2 428 800,0	2 188 800,0	2 271 904,8	4 007 856,6	1 384 945,2	110 795,6	1 458 169,1	450 000,0
<b>Самарқанд вилояти</b>	171 102,1	128 891,8	3 206 400,0	2 966 400,0	3 108 588,9	4 962 883,5	1 756 801,9	140 544,1	1 779 358,9	400 000,0
<b>Сирдарё вилояти</b>	95 295,0	58 665,5	2 248 800,0	2 008 800,0	2 061 089,4	3 691 634,9	1 253 716,6	100 297,3	1 269 595,9	350 000,0
<b>Сурхондарё вилояти</b>	140 882,5	100 894,3	2 788 800,0	2 548 800,0	2 019 578,0	4 529 367,9	1 563 710,1	125 096,8	1 596 444,1	750 000,0
<b>Тошкент вилояти</b>	159 238,5	119 014,6	4 286 400,0	4 046 400,0	2 688 302,7	5 832 454,2	2 087 251,7	166 980,1	2 040 205,7	400 000,0
<b>Фарғона вилояти</b>	177 718,6	136 046,7	3 717 600,0	3 477 600,0	1 968 114,7	6 462 614,2	1 713 286,9	137 062,9	1 767 588,1	350 000,0
<b>Хоразм вилояти</b>	112 994,3	74 594,8	2 428 800,0	2 188 800,0	2 315 671,3	3 923 506,8	1 385 678,7	110 854,3	1 381 819,9	400 000,0
<b>Тошкент шаҳар</b>	117 325,9	78 493,3	2 536 800,0	2 296 800,0	2 153 125,6	4 729 688,0	1 435 746,8	114 859,7	1 439 802,2	600 000,0
<b>ЖАМИ</b>	<b>1875000,0</b>	<b>1323700,0</b>	<b>40224000,0</b>	<b>36864000,0</b>	<b>33 730 044,0</b>	<b>64680507,3</b>	<b>21889999,0</b>	<b>1751 199,9</b>	<b>21 809 827,1</b>	<b>5 650 000,0</b>

Таъкидлаш муҳимки, Ёшлар иттифоқининг фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу дастурий фаолият ҳисобланади. Бу йўналишдаги фаолият ёшлар ташкилотларининг фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади ва қўйидаги: ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигига кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоялаш комплекси, халқаро алоқалар, туризмни ривожлантириш, ОАВ билан ишлаш, АКТни жорий қилиш комплекси, маънавий-маърифий масалалар, жиноятчиликни олдини олиш, ёш оиласалар билан ишлаш

1 Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



комплекси, таълим муассасалари ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш комплекси, истиқболли кадрлар билан ишлаш комплекси, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир ижтимоий аҳамиятга эга бошқа харажатлар каби комплекслардан иборат бўлади. Агар бу йўналишдаги фаолиятни молиялаштиришнинг таҳлилига қарайдиган бўлсак, юқорида келтирилган жадвалдан хуоса қилиш мумкинки, мазкур йўналишдаги харажатларни молиялаштириш 2018-2021 йилларда ўсиб борган. 2018 йилда жами харажатлар 1 875 000,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг 1 323 700,0 минг сўмли (70,0 фоизи) маҳаллий кенгашларга йўналтирилган, бу кўрсаткич 2021 йилда эса, жами маблағалр 21 809 827,1 минг сўмни ташкил этиб, маҳаллий кенгашларга йўналтирилгани 5 650 000,0 минг сўмни ташкил этган. Бу ерда шуни ҳам кўриш мумкинки, 2020 ва 2021 йилларда маҳаллий кенгашларга ажратилган маблағларнинг 2018 ва 2019 йилларга нисбатан камайганлиги, албатта Ёшлар агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ташкил этилиши ва уларнинг дастурий фаолиятини амалга ошириш харажатларини молиялаштиришда давлат бюджетидан маблағлар ажратилганлиги билан изоҳланади.

Хуоса қилиб айтиш мумкинки, Ёшлар ташкилотларининг фаолиятини молиялаштириш жараёнига эътибор бериладиган бўлса, бунда Дастурий фаолият деган тушунча кенг қўлланиладики, бу дегани ёшлар ташкилотларининг бевосита ўзларига вазифа қилиб бириктирилган ёки ҳамкор сифатида белгиланган турли хил тадбирларни амалга ошириш тадбирлари назарда тутиладики, бу каби харажатлар алоҳида ўрин тутади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, 2016 йил.
  2. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни.
  3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 05 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли фармони.
  4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли фармони.
  5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси».
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон Фармони.

# **ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ**

**Масъул мұхаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусақҳих:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000